Ўзбекистон ва жаҳон

# Дўстлик ришталари боғланаверсин





**Ўлкамизда фаслларнинг энг серфайз — меваю сабзавотларга тўла, ширин-шакар қовун-тарвузга бой куз фасли ҳукм сурмоқда. Олтин фасл тароватини кўриш учун диёримизга кўплаб чет эллик делегациялар ташриф буюрмоқда. Бу делегацияларни кутиб олишда, улар билан ҳар хил учрашувлар ўтказишда чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти ўзига хос роль ўйнамоқда.**

**Жамиятнинг олдига қўйган вазифалари, ҳозирги кундаги ишлари билан танишиш мақсадида жамият раисининг муовини Суръат Мирқосимов билан суҳбатда бўлдик.**

— Дўстлик жамиятимиз ҳақида гапиришдан аввал мен чет эллардаги Совет Иттифоқи билан дўстлик жамиятлари ишлари ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Бу жамоат ташкилотлари узоқ ва мураккаб тарихга эга. Уларнинг айримлари 20-йилларда ташкил топган бўлса, бошқалари 40-йиллар бошида ташкил топди. Кўпгина мамлакатларда, айниқса, Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатларида Совет Иттифоқи билан дўстлик жамиятлари бутун жаҳон урушидан сўнг тузилди. Кекса жамиятлар «Совет давлатидан қўлингни торт!» шиори билан чиқиб ахлоқий, сиёсий ва иқтисодий томондан қўллаб-қувватлаган бўлса, ёш мамлакатларда эса уларнинг озодлик ва иқтисодий эркинлик ҳаракатларига ёрдам қўлини чўзган Советлар мамлакатига нисбатан ҳурмат ва ишчи-деҳқон давлатига бўлган катта қизиқиш сабабли ташкил этилган. Иттифоқ дўстлик жамиятлари уюшмаси ва Ўзбекистон дўстлик жамияти ташкил топган кундан бошлаб чет эллардаги дўстлик жамиятлари билан яқиндан алоқа ўрнатганлар ва улар билан биргаликда турли-туман тадбирлар ўтказиб чет эл ва Совет жамоатчилиги ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва бир-бирларига ишонч туйғулари асосида яқинлашишларига ўз ҳиссаларини қўшиб келганлар.

Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар Бутуниттифоқ ташкилоти бўлими Ўзбекистонда 1947 йилда барпо этилди. 1958 йилда эса унга жумҳурият миқёсида мустақил ташкилот даражасини бериш мақсадида чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа жамиятига айлантирилди.

Эътиборингизни шу нарсага тортмоқчи эдим. Жамият уставига мустақил иш олиб бориш, мустақил равишда чет эллардаги жамоат ташкилотлари билан алоқа ўрнатиш мумкинлиги ёзилган. Амалда эса бу алоқа фақат Москва орқали, Бутуниттифоқ дўстлик жамияти уюшмаси орқали иш юритган, ҳар бир қадам пойтахт билан келишиб сўнг қўйилган.

Мамлакатимизда рўй бераётган катта ўзгаришлар, қайта қуриш ва ошкоралик ҳаракатлари, айниқса жумҳуриятимизнинг мустақиллик декларациясининг эълон қилиниши, чет эллар билан иқтисодий, илмий, сиёсий ва бошқа соҳаларда алоқа ўрнатишга кенг йўл очди.

Ҳозирги пайтда иттифоқ дўстлик жамиятларининг Ўзбекистон бўлимлари, зудлик билан мустақил жумҳурият жамиятларига айлантирилиб юридик ҳуқуқ берилмоқда. Масалан, араб мамлакатлари билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятининг Ўзбекистон бўлими эндиликда «Араб мамлакатлари билан дўстлик ва ҳамкорлик Ўзбекистон жамияти» деб аталади. Шунингдек, Ҳиндистон, Покистон, Индонезия ва бошқа мамлакатлар билан дўстлик жамиятлари ҳам жумҳурият жамиятларига айлантирилди. Шу йилнинг сентябрь ойида бўладиган «Малайзия ҳафталиги» кунлари жумҳуриятимизда «Ўзбекистон—Малайзия» жамияти ташкил топади.

Ҳа, албатта жумҳуриятимиз иқтисодиётини ривожлантириш бугунги кунда долзарб масалага айланган. Дўстлик жамияти ҳам бу масалани ечишда, ўзини четга олмай ишга киришди. Шуни айтиш керакки, Совет Иттифоқи билан чет эллардаги дўстлик жамиятлари раҳбарлари ва аъзолари орасида турли фирмалар, заводлар, компанияларнинг эгалари бор. Айрим жамиятлар эса, совет маҳсулотларини мамлакат ичида сотиш ҳуқуқига эга. Улар жумҳуриятимиз идоралари, ташкилотлари завод-фабрикалари, жамоа ва шўро хўжаликлари, ишлаб чиқариш уюшмалари билан иқтисодий алоқа қилиш истагини билдирмоқдалар ва бу ниятларини амалга оширишга ҳаракат қилмоқдалар. Лекин минг афсуски, фақат бизнинг йўл билан жумҳуриятимизга келган бир қатор делегациялар 1987—1989 йилларда айтиб ўтилган ташкилотлар билан биронта шартнома туза олмай қайтиб кетишди.

**— Сабаби нимада?**

— Сабаби савдо-сотиқ ишларига жавобгар кишиларнинг халқаро иқтисодий алоқалар бўйича тажрибаси йўқлигида. Бу соҳада ҳеч қандай иш олиб борилмаганлиги учун етарли илм ва билим ҳам йўқ. Умид қиламизки, яқинда жумҳуриятимизда ташкил топган «Ташқи савдо ва иқтисодий алоқа» бўйича ташкилотлар бу камчиликларга чек қўяди.

Яна шуни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиманки, Ўзбекистон дўстлик жамияти чет элларда ўтказилаётган ҳар бир тадбирни жумҳуриятимиз учун иқтисодий фойда келтириш нуқтаи назаридан тайёрламоқда. Бунга кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин.

Шу йилнинг май ойида Тошкентда «Урушмасликка қасамёд қиламиз» шиори остида 9-Совет—Япон учрашуви бўлиб ўтди. 150 нафар японлик жамоатчилик намояндалари қатнашди. Улардан икки киши, яъни «Жапан» акционер уюшмаси ва «Кева Буссан Кабусики кайся» фирмаларининг раҳбарлари Ўзбекистон билан савдо-сотиқ қилиш, биргаликда саноат корхоналари қуриш каби таклиф билан чиқдилар. Бу таклифлар тегишли идораларга топширилган, ҳозирги кунда улар ўрганилмоқда.

Германия Демократик Жумҳуриятининг Лейпциг ва Зуль шаҳарларида Ўзбекистон дўстлик жамияти ва Германия дўстлик жамиятининг ташаббуси билан икки чойхона қурилган ва фаол ишлаб турибди. Бу чойхоналар албатта шарқ услубида, ўзбекона миллий руҳда қурилган.

Умуман жамиятимиз енгил саноат ва маҳаллий саноат вазирликлари, маданият вазирлиги, мусаввирлар уюшмаси, сайёҳинтур бирлашмаси, Ўзбекистон фуқаро авиацияси ва бошқа бир қатор идоралар билан иқтисодий алоқаларни кенгайтириш бўйича яқиндан иш олиб бормоқда, ҳамкорлик қилмоқда.

**— Ҳаммамизга маълумки, жумҳуриятимиздаги бир қанча шаҳарлар, жумладан Тошкент ҳам чет эл шаҳарлари билан биродарлашган. Мана шу шаҳарлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда, ўртада дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамланишида жамиятнинг роли қандай?**

— Биродарлашган шаҳарлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашда, улар ўртасида тез-тез сафарлар уюштиришда, шаҳарлар кунини ўтказишда ва бошқа тадбирларни ўтказишда Ўзбекистон дўстлик жамияти муҳим роль ўйнайди. Бугунги кунда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Чирчиқ, Олмалиқ, Урганч шаҳарлари 18 та чет эл шаҳарлари билан узвий алоқа ўрнатганлар. Буларнинг ичида Америка Қўшма Штатлари шаҳарлари бўлган Сиэтл, Олимпия ва Гринзборо кабилар бор. Бу шаҳарлар билан алоқаларимиз мустаҳкам. Шаҳар хўжалигини бошқариш бўйича тажриба алмашувлар, турли касб намоёндалари билан талабалар ва мактаб ўқувчилари билан учрашувлар ўтказиш, ҳар хил кўргазмалар ташкил этиш, иқтисодий алоқаларни кенгайтириш биродарлашган шаҳарлар фаолиятида муҳим роль ўйнайди. Шу йилнинг ўзидаёқ Тошкентдаги 9-мактаб ўқувчилари Финляндияда бўлиб қайтдилар. Яна Тошкентдаги 102-мактаб ўқувчиларидан бир гуруҳи Япониянинг биродарлашган Фукусима вилоятида дам олгани бордилар. Ўз-ўзидан маълумки, ўқувчиларнинг бундай сафарлари уларнинг дунё қарашини кенгайтиришга, дунёни билишга, билимларни чуқур эгаллашларига, энг муҳими уларни умуминсон қадриятларини қадрлаш руҳида тарбиялашда катта хизмат қилади.

**— Дўстлик жамиятининг иши — кўп қиррали, турли соҳаларни ўз ичига қамраб олган. Жамият зиммасига яна қандай вазифалар юклатилган?**

— Ҳақиқатан ҳам дўстлик жамиятининг иши кўп қиррали. Биринчидан, Ўзбекистон олий ўқув юртларида Бутуниттифоқ дўстлик жамияти стипендиясини олиб ўқиётган хорижий талабалар билан иш олиб бориш, иккинчидан Ўзбекистон билан боғлиқ чет элларда сузиб юрган савдо кемалари билан яқиндан алоқа ўрнатиш, учинчидан чет элларда 60 га яқин Совет маданият уйлари бор. Уларни китоб, ойнома, альбомлар, турли намойишлар, кинолавҳалар, видеокассеталар ва пластинкалар билан таъминлаш жамият зиммасига юклатилган. Ўзбекистон ҳаётини чет эл жамоатчилигида таништиришда шу маданият уйларининг роли катта. Бизлар биргаликда шу уйлардан иқтисодий фойда олиш йўлини қидирамиз. Асосий тўсиқ ҳозир мана шу маданият уйлари жойлашган мамлакатнинг ички қонун-қоидалари бўлиб турибди. Ўйлаймизки, бу соҳада ҳам бир ечимга келамиз! Тўртинчидан, жамият қошида ташкил этилган меъморлар ва санъатшунослар комиссияси, ёшлар ва мактаб ўқувчилари комиссиялари, тиббиёт ва адлия ходимлари секциялари ишларини чет эллик ҳамкасблар билан боғлаш ҳамда биргаликда иш олиб бориш. Бу соҳада ҳам кўзга кўринарли ишлар қилинди. Бешинчидан, жамият 12 тилда ўз ойномаси — «Совет Ўзбекистони»ни ҳар ойда чиқариб туради. Унинг шу кунда 115 мамлакатда ўқувчилари бор. Биз ойнома ўқувчиларидан тез-тез мактублар олиб турамиз. Уларда муаллифлар турли масалалар бўйича фикр юритадилар, саволлар қўядилар. Мисол учун Хайде Кур Германия Федератив Жумҳуриятидан шундай ёзади: «Германия Демократик Жумҳуриятида бўлаётган воқеалар тўғрисида қандай фикрдасиз? Менимча бу давлат халқи турғунлик ҳолатдан чиқди. Сиёсий ҳаётини янгилаш жараёнига қўшди. Ер куррамизга душманлик, ишонмаслик ва бир-бирига қарши курашиш керак эмас. Биз бир-бирига нисбатан меҳр-оқибатли бўлишимиз, тинч-тотув яшашимиз керак. Менинг фикрим шундай».

Ҳиндистонлик ўқувчимиз Кастури Прабхайр жумҳуриятимизда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида шундай ёзади: «Мен 30 ёшдаман, коллежда инглиз тилидан сабоқ бераман. Совет Иттифоқида бўлаётган барча воқеалар мени жуда қизиқтиради. Мамлакатингизда бўлаётган ўзгаришларни, жумҳуриятингизда яшовчи турли миллатлар ўртасидаги муносабатларни, иқтисоддаги ўзгаришларни, умуман сиз ҳал қилаётган муаммоларни диққат билан кузатиб бораяпман. Шу нарсани хурсандчилик билан хабар қилмоқчиманки, мен муттасил равишда «Совет Ўзбекистони» ойномасини инглиз тилида ўқиб тураман. Босилаётган мақолалар ва суратлар жуда фойдали».

Бундай дил сўзлар битилган мактублар жамиятимизга ҳар куни келади. Куни-кеча Мали давлатидан ҳам хат олдик. Уни Мали жумҳуриятининг Совет Иттифоқи билан дўстлик жамиятининг бош котиби Тункара ёзган. У киши Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг юбилейига бағишлаб юборилган фотокўргазма учун катта миннатдорчилик билдирган. Бу кўргазмани намойиш этилиши жамоатчилик ўртасида Ҳамза ижодига, умуман Ўзбекистонга қизиқиш ортганини хабар қилади.

Ҳозирги кунда жамиятимизга кўплаб чет эллик меҳмонлар ташриф буюришмоқда. Уларни кутиб олиш, касбларини, қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда суҳбатлар уюштириш, фикр алмашувлар, конференциялар, турли идоралар ва корхоналарга боришни ташкил қилиш жуда муҳим иш. Шунинг учун биз иложи борича уларни яхши кутиб олишга ҳаракат қиляпмиз. Афсуски, чет элликларни жумҳуриятимизда қабул қилишни жаҳон меъёрига етказа олганимиз йўқ. Лекин биз олдимиздаги вазифаларни ўз вақтида бажарамиз, халқимизнинг чет эл халқлари билан алоқаларини ривожлантириш ишига ўз ҳиссамизни қўшиш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланамиз.

Суҳбатни Ғ. ЖАМОЛОВ олиб борди.

⊙ СУРАТЛАРДА: Тошкент билан биродарлашган Сиэтл шаҳри манзаралари.

С. Маҳкамов суратлари.





⊙ ДЎППИДЎЗЛАР. «Шарқ гули» бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор дўппи тикувчилари (чапдан) Хуршида Комилова ва 16 йилдан бери шу корхонада меҳнат қилаётган Ёқутхон Комилова.

Т. Каримов сурати.

## Хориждан хабарлар

### М. С. Горбачевга мукофот

ГАМБУРГ. Совет Президенти Михаил Горбачев инсоният олдида турган иккита жаҳоншумул вазифани — ҳарбий соҳадаги қуролсизланиш билан экология соҳасидаги «қуролсизланиш»ни, одамларнинг табиатга қарши беҳуда уринишини тўхтатишни мантиқан ўзаро боғлади. Шу сабабли инсон яшайдиган муҳитни сақлашга қўшилган ҳисса учун «Виталь» журналининг мукофоти ҳақли равишда Михаил Горбачевга бериладиган бўлди, деди атроф муҳит, табиатни муҳофаза қилиш ва ядро реакторлари хавфсизлиги ишлари федерал вазири Клаус Тепфер. У журналнинг мукофотларини топширишга бағишланган маросимда қўҳна Гамбург шаҳрида сўзлаган нутқида шу гапни айтди. Экология таҳликасининг рамзи бўлган ёғоч эҳромча, лауреат ёрлиғи ва 10 минг маркалик чекни СССР Президенти номидан СССРнинг ГФРдаги элчиси В. П. Терехов қабул қилиб олди.

Яшил сайёрамизнинг хом ашё ва бошқа бойликлари тугаб бораяпти, деб уқтирди К. Тепфер. Бутун дунёдаги иқлим ўзгармоқда, денгизлар булғанмоқда. Биз яшаб турган жамиятга экология фалокати таҳлика солмоқда, бу эса маслагидан ва қайси партияга мансублигидан қатъи назар барча кишиларнинг биргаликда ҳаракат қилишларини талаб этади. Президент Горбачев табиатни қутқариб қолиш соҳасидаги жуда катта вазифаларни ҳал қилиш учун мафкуравий, сиёсий ва бошқа тўсиқларни олиб ташлашни биринчилар қаторида таклиф қилди. Унинг инсоният олдидаги шак-шубҳасиз хизмати мана шундан иборат.

СССР билан ГФР ўртасида экология соҳасидаги ҳамкорлик муваффақиятли ривожланмоқда, деди вазир. Бу соҳада ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳақида шартнома имзоланди. Байкални қутқариб қолиш, Ленинграддаги экология фалокатининг олдини олиш, Атом Электр Станцияларининг хавфсизлигини оширишга оид қўшма лойиҳалар мавжуд. Бу лойиҳалар М. С. Горбачевнинг Умумевропа хонадони тўғрисидаги ғояларини амалга оширишга ҳисса бўлиб қўшилади, ҳар бир халқ шу хонадондан экологик жиҳатдан мусаффо квартира олиши керак.

Совет Президенти ўтказаётган ошкоралик ва демократиялаш сиёсати туфайли, деди «Виталь» журналининг бош муҳаррири Петер Плоог ТАСС мухбири билан суҳбатда, Совет Иттифоқида ва Шарқий Европанинг бошқа мамлакатларида экология муаммолари биринчи марта ошкора муҳокама қилина бошлади, бу масала ҳукуматлар дастурларининг таркибий қисми бўлиб қолмоқда. Шу йилнинг бошларида «Атроф муҳит ва омон қолиш мақсадида ривожланиш муаммоларига бағишланган жаҳоншумул анжуман» деган мавзуда Москвада бўлиб ўтган халқаро конгресс қатнашчиларига М. С. Горбачевнинг қизғин мурожаатномаси жаҳон жамоатчилигида чуқур таассурот қолдирди. Унинг мана шу мурожаатномаси мукофот берилиши учун аниқ омил бўлди. Инсониятга таҳлика солаётган хавфни англаб турган ва шу хавфнинг олдини олиш учун аниқ ташаббус билан чиқаётган инсон ва давлат арбобининг гаплари эшитилганди ўшанда. Бу гаплар, жумладан, Президентнинг табиатга озор етказмайдиган технологияларни айрибошлаш ҳақидаги атроф муҳит билан шуғулланувчи Европа агентлигини ҳамда экология фалокати содир бўлган тақдирда ёрдам берадиган халқаро «Кўк Крест»ни барпо этиш тўғрисидаги таклифларига тааллуқлидир. Совет Иттифоқида экология муаммолари ҳали тўла-тўкис ҳал этилмаганини биламиз. Бироқ шу муаммолар тушуниб олинганлиги ва ҳаракат қилишга камарбаста бўлиб турилганлиги энг муҳимидир. 2000 йилга қадар СССРдаги қўриқхоналар ва миллий боғлар майдонини уч баравар кўпайтириш нияти шундан дарак беради, деб таъкидлади П. Плоог.

### Янги илмий фараз

ЖЕНЕВА. Инсон умрини 200 ва ундан ҳам кўпроқ йилга узайтириш тўғрисида қадимий қўлёзмаларда учраб турадиган ривоятлар, эҳтимол, тез орада хомхаёл бўлмай қолар. Бу ерда маълум бўлишича, Базель дорилфунунининг Вальтер Геринг раҳбарлигидаги бир гуруҳ олимлари тирик организмнинг умрни узайтириш имконини берувчи одатдан ташқари катта имкониятларини аниқлашга муваффақ бўлишган. Тажрибада иштирок этган доктор Уве Вальдорф ТАСС мухбирига тажрибалар чоғида бир ген ажратиб олинганини, бу ген олимларнинг фикрича, организмдаги ҳаётий кучларни сақлаб қолишини айтган. Чунончи, организмига мазкур ген киритилган ҳашаротларнинг умри ҳар гал 50 фоиз узаяверган.

Ҳали кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилмаган бу янгилик ўсиб келаётган ёш организм ҳужайралари химиявий таркибининг хусусиятларини ўрганиш чоғида кутилмаганда кашф қилинди. Тирик мавжудот ривожланиб борган сари муайян турдаги ҳужайраларнинг тобора камаявериши В. Герингнинг эътиборини ўзига жалб этди. Чуқуррок таҳлил қилиб кўрилганида, бу жараёнга алоҳида бир турдаги оқсилнинг тез камайиб бориши сабаб бўлганлиги аниқланди. Шу оқсилларнинг вужудга келиши учун хизмат қиладиган генни топиш ва унга таъсир ўтказиш йўли билан умрни узайтириш сирини очишга жуда яқинлашиш мумкин, деган тахмин юзага келди.

Бу ғоя менда тасодифан пайдо бўлди, деди В. Геринг. Шундан кейин воқеалар жуда тез ривожланди. Тирик организмдан керакли ген ажратиб олинди. Бироқ дарҳол фаразнинг тўғрилигини қандай текшириб кўриш муаммоси пайдо бўлди. Олим муаммони ҳал этишнинг ажойиб йўлини топди. Генга муайян таъсир ўтказилиши натижасида унинг «ўзини тутиши» ҳароратнинг ошишига қараб ўзгарди: ҳарорат 25 даража бўлганида ген оқсил моддасини ишлаб чиқарди, ҳарорат 29 даражага етганида эса «ишни тўхтатди». Биз 8 марта шундай тажриба ўтказдик, деб таъкидлади У. Вальдорф, ҳар гал ҳарорат 25 даража бўлган жойда сақланган ҳашаротлар 29 даража ҳароратда сақланганларига нисбатан анча кўпроқ яшади.

Инсон умри асосларини тадқиқ этаётган олимлар гуруҳи Швейцариядаги етакчи илмий биология маркази бўлган Биоцентрумда ишламоқда. Бу марказ 1972 йилда Базель дорилфунуни ҳузурида ташкил этилган. Сўнгги ўн йилликларда биология ва табобат фанлари айни Базелда кенг ривожланиб, шаҳар илғор халқаро илмий марказга айланди. Кейинги тўрт йил ичида базеллик олимларга икки марта табобат соҳасида Нобель мукофотлари берилди.

Муайян генлар фаолиятини кучайтирувчи махсус дорилар яратиладиган вазиятни тасаввур қилиш мумкин, деб ҳисоблайди доктор В. Геринг. Олимлар бу йўналишдаги чуқур илмий изланишларни давом эттирмоқдалар.

(ТАСС).



⊙ ПОЛЬША. Краковда нисбатан яқинда пайдо бўлган мана бу электромобиллардан асосан саёҳатчилар қўҳна шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечириш учун фойдаланадилар. Транспортнинг ушбу тури кўпчиликка маъқул ва қулай бўлиш билан бир қаторда атроф-муҳитга ҳеч бир зарар келтирмайди.

ЦАФ — ТАСС сурати.

Куюнчаклик билан ёзилган

# Инсон меҳрига муҳтож неъмат

ОТА-боболаримиз нонни жуда эъзозлашган, агар нон ушоғи ерга тушса, ердан олиб кўзга суртиб тавоб қилишган. Нонни бундай эъзозлаш хусусияти ўзбек халқига қадим-қадимдан одат бўлиб қолган. Шунинг учун ҳам оилада фарзанд туғилса, нонни эъзозлашга ўргатилган ва шунга мос тарзда тарбияланган.

Илгарилари отахонлар чойхоналарда, маҳаллаларда нон азизлиги ҳақида ривоятлар, насиҳатлар қилишарди. Лекин кейинги пайтларда қарияларимизнинг, мўйсафид кишиларнинг бу борадаги куюнчаклиги жойларда сусайди. Улар турмуш ишларига берилиб ноннинг қадрига етишнинг ташвишини қилмай қўйишди. Ҳозирги кунда муқаддас ва энг азиз бўлган бу неъмат жуда кўп жойларда поймол қилинмоқда.

Биз яшаб турган жамиятда кўп нарсаларга чидаш, кўникиб кетиш мумкин. Лекин ҳар куни ўзимиз истеъмол қилиб турган нон ва нон маҳсулотларининг топталишига йўл қўйиб бўлмайди. У бизга она сутидай азиз ва мўътабар.

Улуғ Ватан уруши йилларида нон тақчиллигидан совет халқлари қандай азият чекканликларини киноларда кўрганмиз, қарияларимиздан кўп эшитганмиз. Ленинградликлар Ленинград қамалида нонга қандай зор бўлишганини рус ёзувчиси А. Чаковский ўзининг «Қамал» номли машҳур асарида батафсил ҳикоя қилган.

Лекин биз — ҳозирги авлод фарзандлари ота-боболаримиз бошидан ўтказган оғир кунларни унутиб қўйяпмиз. Ерда тушиб ётган нонни кўрсак бефарқ ўтиб кетадиган бўлдик. Бу шундан далолат бердики, турғунлик йилларида биз ёшлар ота-боболаримиз ўгитларидан чекиниб яшадик. Натижада ўтмишдан узиб қолинган ўзга бир руҳда тарбияландик.

Тошкентдек шаҳри азимни олинг. Бу ерга бир кунда қанчадан-қанча одамлар келиб кетмайди дейсиз. Лекин ана шу келиб-кетувчиларнинг ҳаммаси ҳам бизнинг шарқона урф-одатларимизга риоя қилади деб бўлмайди. Айниқса, 30—40-йилларда ва ундан кейин Тошкент шаҳри бутун дунёга нон шаҳри сифатида танилган эди. Бунинг оқибатида нон шаҳрида яшаш истагида бу ерга келувчилар кўпайди. Оқибатда асрлар бўйи эъзозлаб келинган урф-одатларимизга ҳам путур етказилди. Ёшлар тарбияси издан чиқди, бузилиб кетди. Нонни эъзозлашга ҳам муносабат ўзгарди. Ҳозир шаҳримизнинг қайси бир жойига қараманг: автобус бекатларидами, вокзаллардами, ётоқхоналардами, ахлатхоналардами қотган нонлар ташланганини кўрасиз.

Илгарилари нонни бундай поймол қилишларга йўл қўйилмаган. Айниқса, бу соҳада маҳалланинг роли жуда катта эди. Ўз вақтида маҳалла таълим-тарбия ролини ҳам бажарган. Мен ана шу ахлат ичида ётган ёки кўчаларда қотиб ётган нонларни кўрсам бир сесканиб кетаман.

Қайсики, халқ нонни эъзозласа, улуғ халқ дейишади. Биз ана шу ўгитларни ёддан чиқармаслигимиз керакка ўхшайди.

1986 йили шаҳримизда ажойиб бир ташаббус кўтарилди. Кўпгина нон дўконларида қотган нонларни қабул қилиш йўлга қўйилди. Кейинги пайтда бу хайрли иш негадир унутилиб кетди. Шу хайрли иш қайта йўлга қўйилса, менимча яхши бўларди. Шаҳримизнинг ахлат ташлайдиган жойларида темир қутилар қўйилгану уларнинг ёнида қотган нонларни қўйиш учун махсус қутичалар йўқ. Бу усулни қўллаш мақсадга мувофиқлигини наҳотки ҳеч ким ўйлаб кўрмаса. Нонни эъзозлашга, қадрига етишга эътибор анча сусайиб кетди. Оқибатда барака — тежамда деган нақл унутиб қўйилди. Ахир нон исроф этилмай, тўғри истеъмол қилинса оила бюджетига ҳам фойда-ку. Мен яқинда «Мовий гумбаз» қаҳвахонаси қутисининг ичида ва ўзим яшайдиган Беруний кўчасидаги ахлат қутисининг олдида, кўчанинг юзида қотган нонлар ташланганини кўрдим. Бошқа жойларда ҳам шундай нохуш аҳволнинг гувоҳи бўлиб тураман. Ана шундай воқеаларни кўриб, эшитиб юрасанда, қалбинг туб-тубидан шунақа бир садо келади: «Ҳой одамлар, кўзингизни каттароқ очинг, азиз неъматнинг қадрига етинг», дегинг келади.

И. АҲМЕДОВ.



Тошкент Давлат дорилфунунининг 70 йиллиги олдидан

# Ўзбеклар орасидан биринчи...

(Очерк)



КЎЧА бурилишидан малла саллали, кўк мовут камзулининг кўкрак чўнтагидан соат занжири осилиб турган, оқ юзли, қирра бурун, баланд бўйли бир йигит чиқди-да, кунботарга қараган қўш табақа қизил дарвозага кириб кетди.

Йигитчани ичкаридаги ҳашаматли меҳмонхона пешайвонида тўрт-беш бола кутиб турар, синфда ҳам болалар бор эди.

Уларни кўриб ёш муаллимнинг баҳри-дили очилиб кетди. Болалар бирдан:

— Ассалому алайкум, муаллим ака! — дедилар.

— Ваалайкум ассалом! Балли, болалар... Ҳа, дуруст, мулла Насриддин, шогирдларимиз анчага етибди-ку! Ғайрат қилибсиз, яшанг!

— Ҳа, ён қўшнимиз Кароматулла, дўстларим Рауфжон, Баҳриддин, Мажид ва Ғуломжонларни ҳам бошлаб келдим. Бизлар ҳам сиздек муаллим бўлмоқчимиз.

Ёш муаллим шогирдининг сўзларидан завқланиб кулди.

— Азизларим, — деди ўқитувчи, — доҳиймиз Ленин башорати билан очилган бу илм даргоҳи сиз — камбағал фуқаро фарзандларига барча касблар учун кенг йўл очиб беради. Фақат сизлар ихлос билан ўқиб-ўрганиб, ёш Совет жумҳурияти учун содиқ кишилар бўлиб етишсаларингиз бас. Сиз келгусининг яхши табиблари, меъморлари, олимлари, муаллимларидирсиз.

Болаларнинг чеҳралари шафақ нурларидек қизиллик касб этди. Шу дам ҳар бир бола ўз келажагини кўз ўнгига келтиргандек бўлди. Муаллим чўнтак соатига қаради. Дарсни бошласа бўлади. Биринчи қўнғироқ товушини эшитишга ҳамма муштоқ.

— Қани, мулла Насриддин, қўнғироқни чалиб юборинг!

Насриддинга бу ишонч катта шон-шарафдек туюлди. У виқор билан болалар ёнидан ўтди-да, идорадан қўнғироқни олиб чиқди. Унинг жажжи қўлларида мисдан ясалган, қуббалари устига феруза тошлар қадалган, шаҳарда иккита пахта тозалаш заводи, бир нечта дўкони, юзлаб таноб ери, сурувда минг-минг бош қўйи, икки қўштош тегирмони бўлган Шукурулло бойдан қолган қўнғироқ базўр жаранглади.

Бу хонадонда авваллари ҳам қўнғироқ жаранглаб турарди. Лекин у қўнғироқлар савдо карвонларидаги туялар бўйнига тақилган буларди.

...Кўркам хона. Кечагина халқ маорифи идораси берган, янги бўёқ ҳиди анқиб турган парталарда қуёш жилоланади. Ўтирган жажжи ўзбек болаларини кўриб муаллим қалби ифтихорга лим-лим тўлди. Нурилла Муродов биринчи дарсни кўтаринки руҳда ўта бошлади. Ҳа, у ўз орзусига етди. Энди у халқ фарзандларига янгича билимларни ўргата бошлайди. Уларни янги замон руҳида тарбиялай бошлайди. Энди уни навқирон авлод муаллим, устоз деб чақиради.

Муаллим дарс берар экан, ширин хаёлларга берилиб, ўз касбига муҳаббати, завқ-шавқи янада ошарди.

Биринчи дарс жуда жонли ва ҳаяжонли ўтди. Дарсдан сўнг муаллим жияни ва шогирди Носир Турсунов билан маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юриб, талабаларни ўз ота-оналарига топширди.

* * *

1918 йилнинг ёзида Каттақўрғон шаҳридаги большевиклар ташкилоти раҳбарлари шаҳар аҳолисини саводли қилиш учун янги мактаб очиш масаласини ўртага қўйдилар. Аввало биринчи совет мактаби мудирлигига муносиб номзод топиш керак эди. Ўша пайтда Каттақўрғонда бундай кишини топиш осон эмасди.

— Хўш, — деди шаҳар фирқа қўмитасининг котиби Л. В. Голобородко шу масала муҳокама қилинган йиғилишда, — шаҳардан янги мактабни бошқара оладиган, янги давр талабига жавоб берадиган одамни топиш мумкинми?

— Топилади, — деди инқилобчи Абдулла Ёрмуҳамедов.

— Ким экан у?

— Каттақўрғондаги Нақибхўжа мадрасасини, сўнг рус-тузем мактабини битирган бир йигит бор, исми Нурилла. Камбағал атторнинг ўғли. Биз шу баҳор уни Самарқандда очилган муаллимлар тайёрлаш олти ойлик курсига юборганмиз, яқинда битириб келади. У сиз қўяётган талабларга жавоб берадиган серғайрат йигит. Рус, ўзбек, тожик тилларини яхши билади, араб тилида ҳам анча дуруст сўзлашади. Ўшанга мудирликни топширсак эплаб кетади.

— Жуда соз, айни биз излаган одам экан у.

Шундай қилиб, 1918 йил 1 сентябрда Каттақўрғонда биринчи совет мактаби очилди. Унга шаҳар партия ташкилотининг тавсияси билан Нурилла Муродов ўқитувчи ва мудир қилиб тайинланди. Янги совет мактабида таълим-тарбия ишларини йўлга қўйишда педагоглар Ҳ. Мирзақулов, Абдулҳамид Мажидий, Т. И. Седова, М. Даминов, А. Муродов, С. Рустамов, М. Исмоилов, шунингдек социал-демократлар яширин ташкилотининг собиқ иштирокчилари бўлган рус педагогларидан ака-ука Петр ва Аркадий Алексеевскийларнинг хизматлари катта бўлди.

Бу пайтда ҳали мамлакатда гражданлар уруши тўхтамаган, Ўзбекистонда эса босмачилар хуружи авж олмоқда эди. Бундан фойдаланган шаҳардаги дин пешволари янги мактабнинг ишига қаттиқ қаршилик кўрсата бошладилар. Улар: «Фарзандларингизни Нурилла афандининг мактабига берманглар. Мусулмон фарзандларининг кофир тузуми асосида очилган мактабда ўқиши шариатга шак келтиришдир», деб иғво тарқатдилар. Айни пайтда совет зиёлиларини, инқилобий кайфиятдаги барча кишиларни йўқ қилиш пайига ҳам тушдилар. Жумладан, душманлар Нурулла Муродовнинг яқин сафдоши, комсомол аъзоси Абдулла Мўминовни комсомол қўмитаси йўлланмаси билан Каттақўрғоннинг дашт қисмидаги Шўрчи қишлоғига ғалла ўримига борганида ўлдириб, жасадини от думига боғлаб улоқ-улоқ қилдилар. Шаҳар партия қўмитасининг саноат бўйича ячейкаси котиби Саъдулла Муродовни, фаол инқилобчи Холбой Қобуловни ҳам чавақлаб ўлдиришди.

Шундан кейин шаҳар маъмурлари Нурилла Муродовга тўппонча беришди. Уни дўқ-пўписа, хавф-хатар танлаган йўлидан қайтара олмади. Ёш педагогик коллективни атрофига жипслаштириб, янги совет мактабининг нуфузини ошириш учун интилаверди. Шаҳардаги партия фаоллари Л. В. Голобородко, А. Ёрмуҳамедов, М. Исмоилов, Д. Устабоев, А. Салимзодалар унга яқиндан ёрдам беришди.

Ўша пайтларда болаларни янги мактабга жалб этиш осон бўлмаганди. Муаллимлар уйма-уй юриб ота-оналар ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришганди. Баъзи ота-оналар бу ишнинг аҳамиятини тушунсалар ҳам диндорлардан қўрқишарди. Диндорлар фақат катталарнигина эмас, «ўрус» мактабига борган болаларни ҳам таъқиб қилишарди. Шунинг учун мактаб педагогика коллективи болаларни мактабга олиб келиб, дарсдан сўнг уйларига олиб бориб қўйишни ҳам зиммасига олганди.

* * *

Каттақўрғондаги биринчи совет мактабини дастлабки битирувчиларига 1923 йилнинг ёзида шаҳодатнома берилишидан аввал давлат имтиҳони топширадиган бўлишди. Мактаб педагогика жамоаси ўқувчилар билими кўриги бўладиган бу воқеага ўзига хос тантанали тус беришга қарор қилди. Нурилла Муродов шу воқеа арафасида мактабга Алишер Навоий номини бериш ҳақида шаҳар ижроия қўмитасига таклиф киритди. Бу таклиф ижроқўмдагиларга маъқул бўлди. Шундай қилиб мактаб улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий номи билан атала бошлади.

Имтиҳон куни мактабга ота-оналар, шаҳар партия ва совет ташкилотлари раҳбарларидан ташқари, атайлаб маҳаллий эшонлар, муллалар ҳам таклиф этилганди. Уларнинг бир қисми бу маросимга келишди. Имтиҳон столи ортидаги деворга: «Йўл беринг ишчи-деҳқон ёшларига, булар келажакда юртимизга ойдинлик келтирувчилардир!» деган шиор ва Алишер Навоийнинг портрети осиғлиқ эди.

Битирувчиларнинг деярли ҳаммаси имтиҳон билетларидаги риёзат (арифметика), физика, астрономия, тарих, адабиётга доир саволларга бурро-бурро жавоб беришди. Бу ёшлар орасида кейинчалик анча йиллар Ингичка посёлка Совети ижроия қўмитаси раиси бўлиб ишлаган, ҳозир қарилик гаштини сураётган Ғуломжон Муродов ҳам бор эди. Унинг риёзатдан берган жавобларини кўрган қози Исмоил беихтиёр «Офарин!» деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. Бу эса янги мактабнинг эски мактаб устидан қозонган илк ғалабаси эди. Шундан кейин шаҳарда янги мактабнинг нуфузи ортиб кетди.

Каттақўрғондаги Алишер Навоий номидаги илк совет мактабини 1923 йилда битирган тўнғич ўқувчилар ҳақиқатан ҳам Совет Ўзбекистонига шуҳрат олиб келувчи кишилар бўлиб етишишди. Жумладан, Д. Соҳибов — ТошМИ профессори, Н. Турсунов ҳарбий врач, полковник, Р. Болтаев Ўзбекистон ССР халқ артисти, Рашид Даминов, Мажид Саидов, Нурилла Алимов партия ва совет ташкилотларида раҳбар, Ғулом Аҳмедов пахта териш машиналари конструктори, СССР Давлат мукофоти лауреати, Т. Саъдий, К. Убайдуллаев, М. Бобоев шоир, Қ. Узоқов, Т. Каримов журналист, М. Салоҳиддинов, Б. Ҳамдамов, Р. Иззатуллаев, Б. Катаев, С. Маҳмудов Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган, ордендор ўқитувчилар бўлиб етишдилар.

* * *

1923 йилнинг охирида Н. Муродовни Каттақўрғон шаҳар халқ маорифи бўлимига мудир қилиб кўтаришди. Кейин эса у 1924 йилнинг июль ойида Тошкентда чақирилган саводсизликни тугатиш Бутун Туркистон съездига делегат этиб сайланди. Шу йили КПСС сафига ўтди. Орадан кўп ўтмай яна Тошкентга келиб, Ўрта Осиё Давлат дорилфунунининг иқтисод факультетига ўқишга кирди. Бу пайтда дорилфунунда ҳам ўқитувчилар етишмасди. Шу сабабли Каттақўрғондан келган талабага ўқиш билан бирга дорилфуннинг рус группасида ўзбек тили ва адабиётидан дарс беришни таклиф этишди. Бундан ташқари у 1925 — 1926 йилларда Тошкент вилоят ижроия қўмитасининг аҳолини иш билан таъминлаш бўлимида (жамоатчилик асосида) масъул котиблик қилди. Студентлар коллективи номидан Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитаси аъзоси қилиб сайланди.

Талабалик йиллари унинг ҳаётида ўчмас из қолдирди. У дорилфунунда илм чўққиларини эгаллашни меҳнат билан қўшиб олиб бориб, яхши обрў-эътибор топди, кўплаб дўстлар орттирди. Унинг Қори Ниёзий, Ойбек, Акбар Асқаровлар билан дорилфунун даргоҳида бошланган дўстлиги умр бўйи давом этди.

Нурилла Муродов дорилфунунни имтиёзли диплом билан тамомлагач, шарқшунослик факультетига декан қилиб қолдиришди. У бу вазифани ҳам астойдил бажариб, факультетда ўқув-тарбия ишларини, профессор ва ўқитувчиларнинг моддий ва турмуш шароитларини яхшилаш йўлида кўп куч ва ғайрат сарфлади. 1931 — 1932 йиллар мобайнида эса Муродов дорилфунун ректори вазифасида ишлади. У ўзбеклар орасидан чиққан биринчи ректор эди.

* * *

1932 йилда Н. Муродовни Москвадаги Қизил профессорлар институтига ўқишга йўлладилар. 1937 йилда у бу институтни битиргач, СССР Министрлар Совети қошидаги адабий назорат бўлими бошлиғи вазифасида ишлай бошлади. Кейин кўп ўтмай СССР Министрлар Совети қошидаги чет эллар билан маданий алоқа ўрнатиш қўмитаси Шарқ бўлими мудири вазифасига тайинланди. 1938 йилда эса Украина ССР Чет эллар билан маданий алоқалар жамияти раиси лавозимига кўтарилди. Бир вақтнинг ўзида Киев дорилфунуни талабаларига ўзбек, форс, араб тилларидан дарс берди.

1941 йилнинг июнида Н. Муродов Москвага командировкага келади. Ҳафта ўтмай 22 июнь куни немис фашистлари мамлакатимизга тўсатдан ҳужум қилганлиги ҳақидаги хабар тарқалади. Н. Муродов фронтга юборишларини сўраб ҳарбий комиссариатга ариза беради. Унга эса, душманга қарши ўткир сўзингиз билан курашасиз, деб жавоб қилишиб, Бутуниттифоқ радиосининг Шарқ мамлакатлари учун эшиттиришлар тайёрлайдиган бўлимига бош муҳаррир қилиб тайинлашади. Бутун уруш мобайнида шу вазифада ишлади. Айни пайтда илмий ишини ҳам давом эттирди. Юздан зиёд илмий очерклари ва мақолалари Америка, Англия, Ҳиндистон, Покистон, Польша каби мамлакатларда эълон қилинди. 1949 йилда эса Москвада «Туркия ички ва ташқи реакция исканжасида» номли китоби босилиб чиқди. Шу йилнинг ўзида Москвадаги Ломоносов номидаги дорилфунун илмий кенгашида «Ўрта Шарқ нефти устида Англия ва Америка орасидаги кураш» мавзуида кандидатлик диссертациясини ёқлади. Кейин яна педагоглик фаолиятини давом эттириб, Москва дорилфунунида сиёсий иқтисод ва шарқ тилларидан дарс берди.

1962 йилда Нурилла Муродов Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг собиқ президенти Ҳабиб Абдуллаевнинг таклифи билан Тошкентга кўчиб келиб, А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт инситути ҳузурида ўзбек Совет Қомуси шўъбасини очди. Ўзбек Қомуси дастлабки жилдлари чоп этилишининг ташкилотчиларидан бўлди. Айни пайтда педагоглик фаолиятини ҳам давом эттириб, Тошкент политехника институтида сиёсий иқтосид фанидан дарс бера бошлади. 1973 йили соғлиғи ёмонлашганлиги сабабли шифокорлар маслаҳати билан даволаниш ва ҳаво алмаштириш мақсадида Москвага кўчиб кетди. Умрининг охиригача шу ерда яшаб, Бутуниттифоқ шарқшунослик институтида ишлади. У 1988 йилда 90 ёшида вафот этди. Табаррук олим ўзидан кўплаб шогирдлар, ўнлаб илмий асар ва тўпламлар қолдирди.

Ўзбекистон Совет Социалистик жумҳуриятида Ленин йўриғи билан ташкил этилган Тошкент Давлат дорилфунунининг 70 йиллиги нишонланаётган шу кунларда ўзбеклар орасидан биринчи марта мазкур дорилфунун ректори бўлган Нурилла Муродов хотирасини эсга олиш хайрлидир. Бу инсоннинг ҳаёт йўли инқилоб маҳаллий миллат орасидан чиққан зиёлиларни нақадар юксакликларга кўтарганлигининг жонли далилидир. У ҳаётини инқилоб туфайли уйғонган халқ фарзандларини саводли қилишга бағишлади. Айни пайтда ўзи ҳам инқилоб нуридан баҳраманд бўлиб, билим даражасини тинмай ошириб борди.

Олимнинг фарзандлари ҳам ота изидан бориб ажойиб инсонлар бўлиб етишишди. Қизи Ҳанифа Муродова тиббиёт фанлари доктори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби. Юрак хасталиклари бўйича мутахассис бўлган бу аёл қўлида кўплаб беморлар шифо топишган. Ўғли Элбек Муродов Ломоносов номидаги Москва Давлат дорилфунунининг профессори, инглиз тили бўйича йирик мутахассис.

Халқ ўзининг Нурилла Муродовдек фарзандлари хотирасини ҳамиша қалбининг тўрида сақлайди.

**Шамси ОДИЛ.**



**⊙ СУРАТДА: Каттақўрғондаги дастлабки совет мактабида ишлаган ўқитувчилар 1923 йилнинг ёзидаги имтиҳон пайтида. (Чапдан-ўнгга) шоир Абдулҳамид Мажидий, Абдулла Муродов, мактаб мудири Нурилла Муродов, Арафиддин Шарафиддинов, Абдуҳаким Мирзақулов, Сайфиддин Ғиёсовлар.**

# Тошкентлик бастакорнинг муваффақияти

Тошкентлик бастакор Валерий Сапаров «Духовой оркестр учун дивертисмент» асарини Францияга, Халқаро конкурсга юборган эди. Асар кўрикнинг якунловчи қисмида муваффақият билан ижро этилди. Кўрикка дунёнинг барча томонидан композиторлар 230 та асар юборган эдилар, унинг якунловчи қисмига эса атиги 11 та мусиқа асари киритилди. Тошкентлик маэстронинг асари Франция, АҚШ, Нидерландия, Югославия ва Хитой бастакорларининг асарлари қатори битта концертда янгради.

Валерий Сапаровнинг номи жумҳуриятимиз мусиқа ихлосмандларига яхши таниш. У Улуғ Ватан урушига бағишланган «Ғалаба саҳифалари» симфонияси, оркестр билан фагот ва флейтада ижро этиш учун ёзилган концертларнинг муаллифидир. В. Сапаров Элдор Азимов раҳбарлигидаги камер оркестр билан қалин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бастакор у билан бирга ўзининг жаз альбомини магнит лентасига туширди. Бундан ташқари В. Сапаров болалар учун «Пахтаой» операсини ёзди, у жумҳурият қўғирчоқ театрида муваффақият билан ўйналмоқда.

— Ҳозир мен янги опера устида ишлаяпман, — дейди В. Сапаров. — Бу асар Навоий номли театрда қўйилади. Операнинг дастлабки номи «Туташ қалблар» бўлиб, у О. Генри ҳикоялари руҳи билан йўғрилган.

(ЎзТАГ).


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

**В. П. Чкалов номидаги Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги**

8-ТОШКЕНТ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**қуйидаги мутахассисликлар бўйича**

**ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

учиш аппаратларининг слесарь-йиғувчиси, механика-йиғув ишлари слесари, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь, сонли программа билан бошқариладиган дастгоҳ операторлари, токарь, фрезерчи, кенг соҳадаги дастгоҳсоз.

**ЎҚИШГА 9—11 синф МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.**

Ўқиш муддати 9-синфни тугатганлар учун — 1-2-3 йил.

1-2 йиллик ўқишга қабул қилинганлар касб ўрганадилар ва диплом оладилар.

**МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.**

Ўқиш муддати 2 йилга қисқартирилган тажриба группалари ташкил этилган.

Ўқиш тугагандан кейин ўрта маълумот ва эгаллаган касби ҳақида диплом берилади.

11-синфни тугатган ўқувчилар 10 ой ўқитилади ва 65 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

Совет Армияси сафларида хизматни ўтаб бўлган йигитлар учун ўқиш муддати 6 ой, улар ҳам 65 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида барча ўқувчилар иш ҳақининг 50 фоизини оладилар.

Ўқиш муддати умумий меҳнат стажига киради.

Билим юртида спорт секциялари, бадиий ҳаваскорлик, авиамодель, радио, фотоўгараклар ишлаб турибди.

Билим юртини «аъло»га тугатганлар олий ўқув юртларининг кундузги бўлимлари ва учувчилик билим юртларига юбориладилар.

Билим юртини тугатганлар Тошкент машинасозлик институти самолётсозлик ва механика факультетларининг кечки ва сиртқи бўлимларига ўқишга киришлари мумкин.

**Қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:** туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома (паспорт), турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан ва тиббий справкалар, мактабдан характеристика, 6 донадан 3×4 ва 4×5 см. катталикдаги фотосурат.

**Тошкент шаҳрида доимий прописка қилинганларгина қабул қилинади.**

Билим юрти маскани: 700128, Тошкент шаҳри, Октябрь райони, У. Юсупов кўчаси, Авиация калта кўчаси, 10-уй. (10, 23, 27-трамвайлар; 1, 4, 10, 14, 21-троллейбуслар; 18, 44, 48, 97-автобусларнинг «Ленинград» меҳмонхонаси бекати). Телефон: 41-75-54.

**«УЗСПЕЦАВТОМАТИКА» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ**

**19-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА**

**қуйидаги ихтисосликлар бўйича**

**ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

электр монтёр, соқчилик-ёнғиндан сақлаш сигнализацияси электр монтажчиси.

**Ўқиш муддати — 10 ой.**

Тошкент шаҳрида пропискада турувчи ўрта маълумотли шахслар қабул қилинади. Ўқувчилар 75 сўм ҳажмида стипендия, ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ишлаб топилган иш ҳақининг 50 фоизи билан таъминланадилар. Ўқишни битирганлар Тошкент шаҳридаги бошқармаларга ишга юбориладилар.

**Билим юрти манзили:** 700077, Тошкент шаҳри, Владимир тор кўчаси, 15-уй (1, 24-автобуслар; 17, 18-троллейбусларнинг «Партия мактаби» бекати).

**Маълумотлар олиш учун телефон: 68-48-96.**

**243-ФУҚАРОЛАР АВИАЦИЯСИГА ҚАРАШЛИ**

20-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**1990—1991 ўқув йили учун**

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Билим юрти юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун

**учувчи аппаратларнинг чилангар-тузатувчилари, учувчи аппаратларнинг йиғувчи-чилангарлари, авиадвигателларнинг чилангар-тузатувчилари, авиадвигателларнинг чилангар-йиғувчилари, учувчи аппаратларнинг электромонтажчилари** ихтисосликлари бўйича 8-синфни битирганларни **3 йил муддат билан**, 10-синфни битирганларни **1 йил муддат билан ўқитади.**

Билим юртига Тошкент шаҳрида яшовчи, 15 ва ундан катта ёшдаги 8—10 синф маълумотига эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Билим юртини битирганлар 243-фуқаролар авиацияси заводига ишга юбориладилар.

3 йил муддат билан ўқиётган ўқувчилар тўлиқ бўлмаган давлат таъминотида бўладилар. 1 йил муддат билан ўқиётган ўқувчилар 30 сўм миқдорида стипендия оладилар.

**Билим юртида тўгараклар, отиш спорт секцияси мавжуд.**

**16 ёшга тўлган ўқувчилар авиация клубига қабул қилинадилар.**

Имтиҳонларни аъло баҳолар билан тугатганлар Киев фуқаролар авиацияси муҳандислари институтига, фуқаролар авиацияси ҳарбий билим юртларига йўлланма оладилар.

**Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак:** директор номига ариза, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти тўғрисида шаҳодатнома, ота-онасининг иш жойидан маълумотнома, тиббий маълумотнома (286-форма), яшаш жойидан маълумотнома, 3х4 см. ўлчамли суратлар, характеристика.

**Ҳужжатларни қабул қилиш шанба ва якшанбадан ташқари соат 9 дан 16.00 гача.**

**Бизнинг манзил:** Авиация шаҳарчаси, 243-фуқаролар авиацияси заводи (25, 66, 61, 40, 161-автобусларнинг «Авиация шаҳарчаси» бекати).

**Телефонлар:** 99-94-50, 99-96-93, 99-96-43.

